БИРЛИК, ЖИПСЛИК НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 85 (7225).

2 МАЙ ЖУМА 1980 ИИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА, ЖУМЛАДАН СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА 1 МАЙ БАЙРАМИ ЗЎР ШОДУ-ХУРРАМЛИК БИЛАН УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ КОММУНИСТИК ИДЕАЛЛАРГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ.



МОСКВА. 1980 йил 1 Май. Қизил майдонда меҳнаткашлар вакилларининг намойиши. Суратда: В. И. Ленин мавзолейи минбарида.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Москва Қизил майдонида Биринчи Май намойиши

— Мамлакатимиз Биринчи Май байрам тонгининг файзи ўзгача: қуёш заррин нур соча бошлаши биланоқ шаҳарлар, посёлкаларнинг қизил алвонлар билан безатилган кўчалари, азим қурилишлари ранг-баранг бўёқлар билан яшнаб кетади. — Илҳомбахш меҳнат қувончининг рамзи, кураш, революция ва ғалаба рамзи бўлмиш қизил ранг бепоён Ватанимиз безакларидаги асосий рангдир.

Ватанимиз бўйлаб Биринчи Май тонги отаётир — ҳамма ёқда тинчлик, бахт, меҳнат қўшиқлари ва заводлар, фабрикалар янграб турган хушчақчақ ва гавжум баҳор тонги отаётир. Мамлакатимизнинг у чеккасидан бу чеккасигача, Камчатканинг оппоқ қор босган тепаликларидан ёқутдек ям-яшил Карпат тизмаларигача коммунизм бунёдкорлари байрамга чиқмоқдалар. Шу куни ер курраси-нинг турли кенгликларидаги миллион-миллион меҳнаткашлар ҳам Биринчи Май байроғи остига тўпландилар.

Умумхалқ байрами пойтахти — Москва янада соҳибжамол, янада навқирон қиёфа касб этган. Янги-янги кўча ва майдонларнинг жимжимадор безаклари унинг қизил байроқлар ва транспарантлар, қип-қизил чинни гул дасталари билан қирмизи тус олган улуғвор қиёфасига уйғун бўлиб тушган. Бугун ҳар бир кўча, ҳар бир проспект бош тантана жойи бўлмиш Қизил майдонга олиб боради.

Бу йил Биринчи Май бутун дунёдаги ажойиб байрам — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигидан эстафетани қабул қилиб олди. Шу шонли санани янги меҳнат зафарлари билан нишонлаган совет халқи мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди ўнинчи беш йиллик учун белгилаб қўйган улуғвор программасини амалга ошириш йўлида янада дадил қадам қўйди. Ильич Ватани беш йиллик плани ниҳоясига комил ишонч билан яқинлашиб келмоқда. Миллион-миллион меҳнатчилар бу йилги ишлаб чиқариш топшириқларини ва умуман беш йилликни барвақт бажариш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилганлар. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига яқинда ўтказилган сайлов кўп миллатли давлатимиз турмушида катта воқеа, социалистик демократия байрами бўлди. Совет кишилари социалистик жамиятнинг энг муносиб гражданлари бўлмиш коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз бериш орқали Октябрь ишига, Ленин партияси ишига содиқ эканликларини, ленинчасига, коммунистчасига яшаш ва ишлашга интилаётганликларини яна бир бор намойиш этдилар.

Қизил майдон — байрам либосида, у бирдамлик ва тинчликнинг танганали намойишига тайёр. Бош универсал магазин пештоқига Маркс, Энгельс, Ленининг портретлари билан катта панно қўйилган. Қизил шойига: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», «Коммунизм ғалаба қилади!» деган сўзлар ёзилган.

Кремль курантлари соат 9 у 50 минутни кўрсатади. Майдондаги чорқирра тошларнинг усти бир зумда жонли гилам тўшалгандек бўлади. Марш-парад қатнашчилари майдонни тўлдиради.

Ҳурматли меҳмонлар учун ажратилган минбарларда Ленин партиясининг ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, атоқли саркардалар турибди. Тақлиф қилинганлар орасида дастлабки беш йилликларнинг зарбдорлари ва замонамиз қаҳрамонлари — ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, СССРнинг космонавт-учувчилари бор.

Турли мамлакатлар касаба союз ташкилотларининг намояндалари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун атоқли курашчилар ҳам меҳмонлар орасидан жой олади.

Москваликлар ва пойтахтнинг меҳмонлари Коммунистик партия, Совет давлати раҳбарларини «Ура!» садолари билан, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан қизғин ва самимий кутиб оладилар. **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАРДОШЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

ТОШКЕНТДА БАЙРАМ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон пойтахти Биринчи Май тонгини кўча ва майдонлари қирмизи либосга бурканган ҳолда кутиб олди. Транспарантлар ва панноларда «Тинчлик», «Меҳнат», «Бирдамлик» сўзлари қувноқ баҳор байрамининг чуқур мазмунини ифодалаб ёркин товланиб турибди.

Ҳар бир совет кишиси қалбига азиз бўлган улуғ зот В. И. Ленин номига қўйилган Тошкентнинг бош майдони шу байрам кунида айниқса кўркам безанган.

СССРнинг давлат байроғи, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари мамлакатимиз халқларининг амалда мужассамланган меҳнат қардошлиги, бузилмас бирлигини ифодалаб шамолда ҳилпираб турибди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май чақириқлари катта-катта алвонларда янги зафарлар йўлини кўрсатиб турибди. Майдон узра К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг, партия ва ҳукумат раҳбарлари — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, КПСС Ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари кўзга ташланади.

Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов минбарга чиқадилар.

Майдон узра курантларнинг овози янграйди. Парадлар хиёбонида қирмизи тўлқин ёйилгандек бўлди — меҳнаткашларнинг байрам намойишини байроқдорлар колоннаси бошлаб берди. Тошкент пролетариатининг шонли революцион ва меҳнат анъаналари билан бурканган, жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Тошкент байроғи мағрур ҳилпираб бормоқда. Унинг ёнида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари кўтариб ўтилмоқда. Социалистик мусобақадаги муваффақиятлари учун Тошкент шаҳрининг илғор корхоналари ва ташкилотлари ана шу кўчма Қизил байроқларга сазовор бўлган.

Тошкентликлар бу йилги Биринчи Майга янги меҳнат ғалабалари тўғрисида рапорт бермоқдалар. Тўрт ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Давлат Сифат белгиси қўйилган саноат маҳсулотининг салмоғи ўсди — эндиликда Тошкентда тайёрланган буюмнинг бешдан бирига фахрли беш қиррали тамға қўйиб чиқарилмоқда. Шаҳарнинг саксонга яқин корхонаси ва ташкилоти ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт адо этганлиги учун, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига Ленин Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари КПСС XXV съездининг, партия Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини сабот билан амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил кўпайтирмоқдалар, ҳар бир иш жойида меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширмоқдалар. Тошкентлик неча ўн минглаб меҳнаткашлар

(Давоми учинчи бетда).



ТОШКЕНТ. 1980 йил 1 Май. Пойтахтнинг бош майдонида. А. Тўраев фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб 1980 йил 19 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтди.

Шанбаликда қариб 150 миллион киши қатнашди. Улар завод ва фабрикаларда, қурилишларда, совхоз ва колхозларда, транспорт корхоналарида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда меҳнат қилдилар. Саноат корхоналарининг ўзидагина 842 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шанбалик вақтида ажратилган иш ҳақи 173 миллион сўмни ташкил қилади.

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги совет кишиларининг юксак онглилигини ҳамда ватанпарварлигини, уларнинг Ленин ишига, Коммунистик партия ишига чексиз садоқатини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга бўлган қизғин иштиёқини яна зўр куч билан намойиш қилди.

Шанбалик вақтида совет халқининг қилган текин ва фидокорона меҳнати 1980 йилги план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни барвақт бажаришни, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлашни ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олишни истаганлигини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишчиларга, колхозчиларга, интеллигент-техник ходимларга ва хизматчиларга, уруш ветеранлари ва меҳнат ветеранларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, студентлар ва ўқувчиларга — коммунистик шанбаликда актив қатнашган ҳамма кишиларга самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар.

Шанбалик натижасида олинган маблағлар оналар ва болалар учун санаторийлар, мактабгача болалар муассасалари қурилишига, уруш ветеранлари ва меҳнат ветеранларига медицина хизматини яхшилашга сарфланади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатда жуда катта ютуқларга эришганликлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин:

Коткова Фаина Васильевна — Зигир толасидан тўқилган техника газламалари Вязники ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Владимир области.

Петрова Светлана Ивановна — «Кренгольмская мануфактура» ип газлама комбинатининг йигирувчиси, Эстония ССР.

Рустамов Ягуб Абулфат ўғли — ВЛКСМ 50 йиллиги номли Мингечаур тўқимачилик комбинати мастерининг ёрдамчиси, Озарбайжон ССР.

Сандов Рабул — Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши.

Струнникова Мария Григорьевна — Херсон ип газлама комбинатининг йигирувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 30 апрель.

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Совет раҳбарлигининг тақлифига биноан ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Эдвард Бабюх май ойининг бошларида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

(Боши биринчи бетда).

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда. Эртаклаб соат 10. Анъанавий «Бепоёндир Ватаним менинг...» куйи янграйди. Қизил майдон узра байрам бошланиши муқаддимасининг якунловчи тароналари — фанфаралар куйи янграйди. Мамлакатнинг бош майдони мингларча овоз билан акс садо беради — намойиш иштирокчилари:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига азим дарёдек қуйила бошлайди, Қаҳрамон шаҳар — Москванинг орден лентала билан безатилган байроғи олдинда кўтариб келинади. Пойтахт ишчилар синфи ва зиёлиларининг энг яхши намояндалари, ўнинчи беш йиллик илғорлари, ўтган йилги мусобақа якунларига мувофиқ КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган коллективларнинг вакиллари байроққа ҳамроҳлик қилишдек фахрий шарафга муяссар бўлдилар. Москванинг 128 та корхона ва муассасаси мана шу юксак мукофотларга сазовор бўлган.

Қизил майдонга биринчилар қатори кириб келган колонна «ЗИЛ» автомобили, Ватаннинг беш ордени макетларини кўтариб олганлигида рамзий маъно бор. Совет автомобилсозлигининг байроқдори — И. А. Лихачев номли заводлар вакиллари ўта бошладилар. 1918 йил ёзида В. И. Ленин «АМО» заводини бориб кўрганида, дастлабки бир неча юз автомобиль тез орада ишлаб чиқарилиши тўғрисида гапирган эди. Ҳозир конвейерлардан ҳар йили икки юз мингдан зиёд кучли юк машиналари тушмоқда. Бу машиналар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб турибди, дунёнинг 50 мамлакатида маъзур бўлган.

ВНИИлар колоннаси узра қизил алвонлар, байроқлар, гуллаб турган олма шохлари ўровида олиб кирилган транспарантга Биринчи Май рапорти ёзилган: шу йилнинг тўрт ойи мобайнида планлан ташқари 640 та автомобиль, 500 та холодильник ишлаб чиқарилди.

Беш йилликнинг меҳнат ютуқларига энг салмоқли ҳисса қўшган кишиларга бугун байрам намойишининг биринчи сафларида бўлиш ҳуқуқи берилган. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги кунигача шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ташаббускорларидан бири — машина ҳайдовчи слесарь, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ф. Кранишев намойишга насбдош ўртоқлари билан бирга келган.

— Бугунги байрам куни да, — деди у, — заводимиздаги олти минг кищи беш йиллик маррани эгаллаганини ҳайд этиш қувончли дир. Уларнинг кўпларига пойтахтда биринчи бўлиб Ленин Фахрий ёрлиқлари тантанали равишда топширилди. Леонид Ильич Брежнев тўрт йил муқаддам бизнинг коллективимиз билан бўлган учрашув вақтида ўртага қўйган вазифаларни эълчилар муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги корхонада чорак баравардан зиёд ошди. Яқинда дизель моторли янги автомобиль тайёрланди. Аввалги моделлардан анча тежамли бўлган бу машина автопоезд составида анча кўп юк таший олади. Мана шу самарали ва сифатли машиналар ҳозирнинг ўзидаёқ кўкламги дала ишларида қатнашмоқда.

Халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида иш самарадорлиги ва сифатини кўтариш йўлини изчиллик билан амалга оширишдан иборат муҳим вазифа КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларида яна бир карра таъкидланди. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш — фаровонликни янада ўстиришга, Ватанимиз қудратини, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш демакдир. Партиянинг мана шу топшириғини амалга ошириш учун жонкуярлик қилиш ҳар бир совет меҳнатчиси кундалик фаолиятига хос хусусият бўлиб қолди.

— Бу йил — алоҳида йил: беш йилликнинг тугалловчи йилидаги ишимизни якунлаш, навбатдаги беш йиллик вазифаларини белгилаб олиш лозим, — Владимир Ильич номли электромеханика заводи бюроси аъзоларидан бирининг сўзлари шундай эди. Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери Н. Метелкин мана шу фикрни айтади. — Шу боисдан ҳам биз яна зўр гайрат ва юксак самарадорлик билан меҳнат қилишимиз лозим. Заводимизнинг маҳсулотя мамлакатда биринчи бўлиб давлат Сифат белгисига сазовор бўлганлиги билан фахрланаман. Биринчи Май арафаси, 22 апрель куни яна тўрт хил электр моторга фахрий бешбурчак белгиси берилди. Биз Ильич номидаги завод коммунистлари партиянинг маҳсулот сифатини янада юксалтириш, бутун ишнинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги қатъий йўлидан бораяпмиз.

«Серунум, тежамли, пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!» Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашингиз!»

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқларидаги мана шу сўзлар Қизил майдонга қириб келган байрам колоннасининг қатнашчиларига тўла равишда тааллуқлидир. СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг вакиллари Мавзолей олдидан ўтмоқдалар. Шу корхона цехларида тайёрланган линиялар ва махсус станоклар КамАЗда, ВАЗда, мамлакатнинг бошқа энг катта корхоналарида бенуқсон ишлаб турибди. Ҳозир пойтахт станоксозларининг «Лойиҳадан тайёр маҳсулотгача сифат гарантияси берайлик», деган ташаббуси ҳамма жойда маълум.

Автомат цехлар учун, тўла-тўкис автоматлаштирилган корхоналар учун ноёб машина-ускуналар яратаётган кишилар Биринчи Май маршида қатнашмоқдалар. Уруш ветеранлари ҳам байрам колонналарининг сафларида ёш авлоднинг намояндалари билан бирга ўтадилар, жанговар жасоратлари ва тинч меҳнати Ватан мукофотлари билан тақдирланган ветеранлар орасида цех партия ташкилотининг секретари, слесарь Б. Топорков бор.

— Бу галги Биринчи Майни биз бошқа шонли воқеа — совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Галабасининг 35 йиллиги арафасида байрам қиляпмиз, — дейди у. — Бизнинг барча фронтчи ишчиларимиз унутилмас саналар меҳнат туҳфаси билан нишонлашга — 9 май куни ярим йиллик топшириқни бажаришга қарор бердилар. Биз, уруш ветеранлари тинчликнинг қадрини яхши биламиз. Шу сабабли жаҳонни «совуқ уруш»нинг зимистон замонларига улоқтириб ташлашга, Европани Пентагоннинг ракета полигонига айлантиришга уринаётган Америка маъмурияти нинг авантюристик йўли ҳар биримизни жуда газаблантирмоқда. Биз севикли Ватанимизнинг қудратини ўз меҳнатимиз билан бундан буён ҳам мустаҳкамлайверамиз. Ватанимиз халқаро империализм ва реакциянинг ҳар қандай кирдикорларидан чўчимайди.

Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги совет кишилари меҳнатдаги ғайрат-шижоатининг ёркин намунаси бўлди. Шу кунн миллионга яқин москвалик ҳамма қатори зардоб меҳнат қилди. Москва-Сортировочная локомотив депосининг коллективи Совет ҳокимияти тонготарида мамлакатдаги шанбаликларни ўтказиш ташаббускори бўлган эди. В. И. Ленин айни шу ташаббусни коммунизмнинг ҳақиқий бошланиши деб билган эди. Корхона меҳнатчиларининг янги авлодлари шонли анъанани давом эттириб ва ривожлантириб, зардоб меҳнат қилишни кундалик иш га айлантирмоқдалар. Депо машинистлари оғир вазнли поездларни биринчи бўлиб бошқара бошладилар. Ҳар бир поездга олти минг тонна юк ортилиши пўлат магистралларнинг ўтказиш қобилиятини кўпайтириш, анча миқдордаги энергия ресурсларини тежаш учун катта имкониятлар очади. Ўтган йилнинг ўзида нормадан ташқари сакқиз миллион тонна юк ташилди.

Бугунги байрам сафларидаги пешқадамлар орасида мисли кўрилмаган объектдаги — ўн минг тонна юк ортилган составларни бошқаришни ўзлаштирган электровоз машинистларидан Д. Богданов билан А. Соловьевлар бор.

— Бугун бизнинг кайфиятимиз жуда соз, — дейишди илғорлар. — Биринчи Май арафасида мамлакатда биринчи марта Рязань билан Москва ўртасида баҳодирона поездлар мунтазам равишда қатнай бошлади.

Депо машинистларининг тажрибаси ҳамманинг мулкига айланди. Ҳозир Москва темир йўлидаги, бошқа пўлат магистраллардаги юзлаб локомотив бригадалари оғир юкли составларни бошқармоқдалар.

Намойишчиларнинг янги колонналари Қизил майдонга кириб келадилар. Одатга кўра, Октябрь райони вакилларининг байрам колоннасига «Красный пролетарий» заводининг илғорлари бошчилик қиладилар. Корхонанинг йилномаси — 1905 йилдаги Красная Пресня баррикадаларидан, 1917 йилда тош кўприк ва Остоженко ёнида юнкерлар билан бўлган олишувлардан, дастлабки беш йиллик давридаги унутилмас индустриялаш жараётидан иборат. Ҳозир мамлакатдаги ҳар уч токарнинг бири пойтахтдаги шу марка қўйилган станокда ишламоқда.

Станоксозлар колоннасида корхонанинг энг яхши намояндалари бор. И. Ларин жонажон заводда ишлай бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Шу ерда у слесарлик касбини ўзлаштирди, олий малакали мутахассис, «қўли гул» уста бўлиб етишди.

— Биз, қизил пролетарчилар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардаги турдош корхоналарнинг коллективлари билан интернационал алоқа боғлаб келаётганимиз билан фахрланамиз, — дейди у. — Биз Болгария, Вьетнам, ГДР, Польшадаги ҳамкасбларимиз билан дўстлик алоқалари ўрнатганмиз. Мустаҳкам ҳамкорлик ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тезлаштиради, фан-техника ютуқларини тезроқ жорий этишга ёрдам беради. Қизил пролетарчилар вьетнамлик станоксозларнинг катта бўюртмасини бажардилар, саноатнинг янги тармоғини вужудга келтиришга шу мамлакат учун машина-ускуналар тайёрлаш ва етказиб бериш муддатларини анча қисқартирдилар. Чет эллик дўстларимиз Москвага тез-тез келиб, эъзозли меҳмон бўлмоқдалар. Биз Биринчи Май арафасида ишлаб чиқариш тажрибасини баҳам кўриш учун келган бир гуруҳ поляк мутахассисларини кутиб олдик, шу пайтда ишчиларимиз делегацияси ГДРда меҳмон бўлди.

Жаҳон социалистик ҳамдўстлиги — социал тараққиётнинг олдинги сафида бормоқда. Унинг қудрати ўсди, халқаро обрў-эътибори муттасил кучаймоқда. Бу эса кардош мамлакатларга ялпи тинчликни таъминлаш, кескинликни камайтириш ва куролсизланиш йўлини изчиллик билан амалга ошириш имконини бермоқда. Ҳозир СССР ўз иттифоқчилари билан биргаликда ҳар қандай агрессорнинг тажовузларига муносиб зарба бериш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга эгадир. Варшава Шартномаси ташкилоти социалистик ғалабаларнинг мустаҳкам қалқони бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ойда қардош мамлакатлар бу ташкилотнинг 25 йиллигини нишонлайдилар. Леонид Ильич Брежнев Варшава Шартномасини «ялпи хавфсизлигимиз ва тинчлик учун биргаликдаги курашимизда ишончли қурол» деб атади.

Ишлар халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!» деган шиорни намойишчиларнинг колоннаси кўтариб ўтади. «Серп и Молот» заводининг вакили, РСФСР Олий Советининг депутати, пўлат эритувчи В. Коптев совет кишиларининг бошқа мамлакатлар халқлари билан биродамлиги тўғрисидаги гапни давом эттиради:

— Биз озодлик ва мустақиллик учун курашаётган дўстларимизга ва ҳамма кишиларга ёрдам бериб келдик ва ёрдам бераверамиз. Совет кишилари афғон халқи билан ҳам ҳамиша иноқ яшаб келганлар. Шу сабабли мен ишдаги ўртоқларим номидан АҚШдан ва унинг иттифоқчиларидан Афғонистонга қарши қуролли игвогарликларни дарҳол тўхатишни қатъий талаб қиламан. Афғон халқи Апрель революцияси ғалабаларини мардона ҳимоя қилмоқда.

Пойтахтнинг бутун мамлакатга машҳур корхоналари: 1-давлат подшипник заводи, «Трехгорная мануфактура» комбинати, «Динамо», «Компрессор», биринчи сотсиалистик заводлари, «Большевичка» бирлашмасининг колонналари Қизил майдондан гулларга бурканиб, қизил алвонлар кўтариб ўтади.

Москва — Олимпиада шаҳри! У социалистик давлатлар орасида биринчи бўлиб Олимпиада ўтказади. 19 июль куни бу ерда XXII ёзги Олимпиада ўйинлари олови ёқилади. У икки ҳафтагача барча китъа ёшларининг ҳово-Борисово номли янги уй-жой массивлари қад кўтарди. Меҳнат қилган — ҳурмат кўради. Биринчи Май арафасида пойтахтнинг бир гуруҳ архитекторлари ва қурувчиларига Москвани комплекс қуришнинг принципиал янги усули яратилиб, жорий қилинганлиги учун Ленин мукофоти берилди. Ҳозир пойтахтда ҳар минутда битта роҳатижон квартира монтаж қилинмоқда — дунёдаги ҳеч бир шаҳарда уйсозлик конвейери бундай маром билан ишлаган эмас.

Намойишчиларнинг янги-янги колонналари Қизил майдонга кириб келадилар. «Нива» комбайни тасвирланган панно ёнида К. А. Тимирязев номли Москва Қишлоқ хўжалик академиясининг муаллимлари ва студентлари келмоқдалар.

— Май, баҳор... Биз учун бу назмий сўзлар экиш-тикиш ишлари бошланганини, янги ҳосил учун курашни билдиради, — дейди академия ректори М. Синюков.— Мана шу умумхалқ ишида бизнинг олий ўқув юртимизга мамлакат қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаб берадиган энг асосий макон бўлишдек фахрий ўрин ажратилган. Бизда совет студентлари билан бирга дунёнинг эллик мамлакатидан келган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар. Академия олимлари тўққиз юзта колхоз, совхоз, ишлаб чиқариш бирлашмаси билан доимий ижодий алоқа қилиб турибди. Тимирязевчилар берган илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинган жами иқтисодий самара бугун 45 миллион сўмдан ошиб кетди.

Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз, фанниинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамланглиз!» мана шу сўзлар ёзилган чиройли транспарант Биринчи Май колоннаси узра кўтарилиб туради. Москва институтлари ва илмий муассасаларининг коллективлари саноат корхоналари билан ҳамкорлик тўғрисида юзлаб шартномалар тузишган. СССР Фанлар академиясининг колоннасида таниқли олимлар одим ташлаб ўтишди. Уларнинг ижодий ишлари фан-техника тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда, космосни мувaффақиятли ўзлаштиришга ёрдам бермоқда.

Меҳмонлар минбарларида турган СССРнинг космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор П. И. Климук бундай дейди:

— 1 Май куни Леонид Попов билан Валерий Рюмиидан келта космик саломи ва энг яхши тилаклар айтиш менга топширилган. Ҳозир космосни ўзлаштириш, космик фазода узоқ вақт учиб юриш одатдаги иш бўлиб қолди. Аммо бунга эришгунча олимлар билан конструкторлар, космонавтлар, турли-туман касб мутахассислари ҳақиқий жасорат кўрсатдилар. Космос тинчлик манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилиши керак, —дейди у.—

Космонавт ўртоқларим орбитадаги қийин ишнинг асосий маъносини мана шундай тушунадилар.

Қизил майдондаги шодиёна авжга чиқади, тобора мавж уриб бораверади. КПСС, совет халқини шарафловчи табрик сўзлари янграйди. Мавзолей олдидан ўтиб бораётган ҳар бир янги колонна —мамлакатнинг ютуқлари тўғрисида берилган ўзига хос рапортдир. Инженер-техник ходимлар, хизматчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларнинг намояндалари Биринчи Май байроқлари остида пойтахт ишчилар синфи билан бирга ўтадилар. Ҳаётнинг ўзида тугилган «Санъат билан меҳнат иттифоқи» шиори рассомлар, артистлар, композиторлар, ёзувчилар учун ҳаёт программаси бўлиб қолди.

Намойишчилар колоннасида ўтиб бораётган шоир В. Фирсов бундай дейди:

—Бу йилги Биринчи Майни биз улуғ Ғалаба байрами арафасида нишонлаяпмиз. Ҳар бир янги баҳор бизни ўша тарихий кунлардан тобора олислаштирмоқда. Аммо биз ўша кунларни ҳеч қачон унутолмаймиз. Бу ҳақда Леонид Ильич Брежневнинг бутун дунёга машҳур трилогиясида ҳам айтилган. Бу асар халқнинг ўзи тўғрисидаги чинакам ҳаққоний сўздир. Бирон киши ҳам бепарво қараши ва бу китоблар тўғрисидаги фикрни айтмасликни мумкин эмас. У—мардлик ва забткор ҳаққонийлик солномасидир. Бу китоблар мазмун жиҳатидан халқчил, маъно жиҳатидан ҳаққоний ва шаклан соддадир. Оқил, сахий, сезгир, меҳнатсевар ва улуғ халқнинг сўзи мана шундай содда ва сермазмун бўлади.

Совет халқининг ёш авлоди —комсомол унинг қаҳрамонона солномасини давом эттирмоқда. Студентларнинг қурилиш отрядлари либосидаги йигит ва қизлар Қизил майдондан ўтадилар. Ленин юбилейи арафасида «Молодогвардеец» деб аталган етти минг кишилик Бутуниттифоқ зарбдор комсомол отряди мамлакат беш йиллигининг зарбдор қурилишларига жўнаб кетди.

Майдонда: «Коммунизм бинокори —улуғ совет халқига шон-шарафлар!» —деган хитоб янграйди.

«Ишасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни — 1 Май!».

Москва меҳнаткашлари вакилларининг байрам намойиши партия билан халқ бузилмас бирлигининг янги, яққол далилига айланди. Бу намойиш совет кишиларининг 1980 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажаришга, КПСС XXV съезди белгилаб берган программани амалга оширишга, партиянинг бўлажак XXVI съездини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга қаттиқ аҳд қилганликларини кўрсатди. Советлар мамлакати комил ишонч билан коммунизм сари бормоқда.

Қизил майдондан репортажни ТАСС мухбирлари: А. БЕЛИКОВ, С. КОРЕПАНОВ, В. ПЕТРЕНКО, П. РЯБОВ олиб бордилар.



ТОШКЕНТ. 1980 йил 1 Май. Ҳар бир совет кишиси қалбига азиз бўлган Владимир Ильич Ленин номи билан аталувчи Марказий майдонда байрам намойиши.

А. Тўраев фотолари.



БИРИНЧИ МАЙ ТАНТАНАЛАРИДА

Совет кишилари нурли баҳор ва меҳнат байрамини яхши кайфият билан, беш йиллик планларини бажариш давомида эришилган муваффақиятлардан фахрланиш ҳисларига тўлиб кутиб олдилар.

Бўлиб ўтган 1 Май байрам намойишлари қатнашчиларини Ленинградда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов; Киевда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Ф. Ватченко, республика Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, Олмаотада — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Н. Имашев, республика Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов; Минскда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, республика Министрлар Советининг Раиси А. Н. Аксенов; Тбилисида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Г. Гилашвили, республика Министрлар Советининг Раиси З. А. Патаридзе; Бокуда — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов, республика Министрлар Советининг Раиси А. И. Ибрагимов; Вильнюсда — Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус, республика Олий Совети Президиумининг Раиси А. С. Баркаускас, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис; Кишиневда — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. П. Калин, республика Министрлар Советининг Раиси С. К. Гроссу; Ригада — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Я. Страутманис, республика Министрлар Советининг Раиси Ю. Я. Рубэн; Фрунзеда — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Дўйшеев, республика Министрлар Советининг Раиси С. И. Ибраимов: Душанбада — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Набиев; Ереванда — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. Демирчян, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Е. Саркисов, Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Т. Саркисян; Ашхободда — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Б. Эзқулиев, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ч. С. Қарриев; Таллинда — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Г. Кэбин, республика Министрлар Советининг Раиси В. И. Клаусон самимий табриклади лар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ Г. В. ДИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Матбуотда кўп йиллар актив ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Известия» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги ўз мухбири ўртоқ Георгий Васильевич **Димов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил 30 апрель.

БАЙРАМ САЛЮТИ

1 майда Москва оқшоми ҳар қачонгидан кўра гўзал ва гавжум. Шаҳар меҳнаткашлари Халқаро бирдамлик байрамини плакатлар ва байроқлар, баҳор гуллари билан кутиб олдилар. Юз минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари майдонлар ва кўчалар, боғлар ва хиёбонларга чиқишди.

Кеч соат 9.00. Спасск минорасидаги курантларнинг сўнгги садоси билан Москванинг тунги осмони ранг-баранг машъал билан чарақлаб кетди. Биринчи Май байрамини нишонлаб қизил, кўк, оқ мушак юлдузлари пойтахт узра сочилди. (ТАСС).

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 1 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	—	100,6
ҚАШҚАДАРЁ	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
НАМАНГАН	0,1	100,0
Самарқанд	—	97,2
Сирдарё	—	95,0
Фарғона	0,1	89,2
Андижон	—	85,0
Жиззах	—	70,9
Хоразм	1,7	48,9
ҚҚАССР	3,6	39,8
Республика бўйича	0,5	85,5

Республика областларида шолн экишнинг бориши тўғрисида шу йил 1 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Сирдарё	4,9	85,2
Наманган	2,6	66,8
Сурхондарё	—	53,8
Тошкент	8,1	46,8
Андижон	6,9	22,1
Хоразм	2,3	6,3
ҚҚАССР	0,7	2,1
Республика бўйича	1,9	15,6

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия, совет, тайёрлов ташкилотларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрининг ўринбосари ўртоқ Собир **Камолов**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Шўрчи район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Карим **Умаров**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми соғлиқни сақлаш органлари системасида кўп йил, самарали ишлаганлиги, меҳнаткашлар соғлигини сақлаш ишида эришган муваффақиятлари учун Самарқанд шаҳар темирйўл касалхонаси бош врачи ўртоқ Люся Николаевна **Жаббарова**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач** фахрий унвони берди.

МЕҲНАТ ҚАРДОШЛИГИ БАЙРОҚЛАРИ ОСТИДА

(Боши 1-бетда)

бугунги Биринчи Май намойишига шахсий беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисидаги рапортлар билан келишди.

Владимир Ильич Ленининг улуғвор ҳайкали ёнидан тантанали марш билан ўтаётган колонналарнинг байрам безакларида нафақат тарих, Тошкент меҳнат аҳли ривожланишининг асосий босқичлари, шаҳар меҳнаткашларининг бугунги ютуқларигина эмас, шу билан бирга уларнинг бундан буёнги режалари, улар ҚПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини кутиб олишга ҳозирлик кўраётган янги марралар ҳам ўз ифодасини топган.

Меҳнаткашларнинг Биринчи Май колонналари кўркам ва ранг-баранг бўлиб, уларда одамлар жуда кўп. Кўкка парвоз қилаётган лайнер, энг янги модификациядаги трактор, гоят хилма-хил рангдаги газламалар — корхоналарнинг майдондан ўтаётган Биринчи Май колонналари эмблемаларида ленинча миллий снёсат қуёш остида, қардош совет халқларининг ягона оиласида беш йилликлар мобайнида таркиб топган бугунги Тошкентнинг саноат имкониятлари нақадар бой эканлигини акс эттиради.

Колонналарнинг байрам безакларида «5 миллион 850 минг тонна» рақами қайта-қайта такрорланади. Бу рақамлар Ўзбекистон «оқ олтин» миришкорлари бу йил учун қабул қилган ва пахтачиликнинг бутун тарихида энг юксак бўлган мажбуриятнигина акс эттириб қолмай, шу билан бирга тошкентликларнинг ўроқ ва болға бузилмас анъаналарига содиқликларини ҳам ифода этади. Шаҳар меҳнаткашлари деҳқонларнинг юмушларидан четда тураётганлари йўқ, республиканинг Ўзбекистон пахтаси етиштиришни кўпайтиришдан иборат бош интернационал вазифасини ҳал этишга қўшаётган ҳиссаларини муттасил кўпайтиришга интилмоқдалар.

Шаҳардаги тўнғич ва бугунги кунда етакчи машинасозлик корхоналаридан бири — «Ташсельмаш» заводининг меҳнаткашлари байрам намойишида айни мана шуларни маълум қилмоқдалар. Ташсельмашчилар Ленин майдонидан биринчи пахта териш машинасини олиб ўтган урушдан кейинги ўша Биринчи Май ўтмишда қолди. Завод конвейеридан тушган «зангори кемалар» пахтачиликда чинакам революция қилиш имконини берди, ҳосил йиғим-теримида минг-минглаб деҳқонларни қўл меҳнатидан ҳалос қилди. Эндиликда «Ташсельмаш» тамғаси қўйилган, бир неча марта такомиллаштирилган, ҳозир музей экспонати бўлиб қолган дастлабки комбайнларига мутлақо таққослаб бўлмайдиган пахта териш комбайнларини пахтакор республикаларимизнинг далаларидагина эмас, шу билан бирга кўпгина чет мамлакатларнинг пахтазорларида ҳам кўриш мумкин.

Бинокорлар колоннаси узра кўтарилган транспарантга «Беш кунлик иш топшириғини тўрт кунда бажарамиз!» — деган сўзлар ёзилган. Мана шу ердаги ва тошкентликларнинг фахри бўлиб қолган бошқа кўпгина ажойиб шаҳар ансамбларни, кўркам биноларни, уй-жой кварталларини ўз қўллари билан барпо этган кишилар пойтахтнинг бош майдонидан ўтиб бормоқдалар. Намойиш қатнашчилари орасида СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Орипов бошлиқ бригаданинг аъзолари бор. Улар беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ҳаракатининг ташаббускорлари бўлдилар.


Майдон узра «Дўстлик! Қардошлик! Бирлик!» сўзлари жаранглайди, колонналардаги намойишчилар ҳам шу сўзлар ёзилган транспарантларни кўтариб олишган. Байрам юришида ўтиб бораётган социалистик ва ривожланаётган мамлакатлардан келиб Тошкентдаги ўқув юртларида таълим олиб ишчилик касбларини ўрганаётган йигит ва қизларни минбардагилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Намойиш қатнашчилари афғон студентларини — ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун, халқаро империализм гиж-гижлаётган ташқи агрессияга қарши курашаётган, 1978 йилги Апрель революцияси ғалабаларини мардонавор ҳимоя қилаётган халқнинг вакилларини айниқса самимий табриклайдилар.

Ленин номли майдондан ўтиб бораётган колонналарнинг охири йўқдек. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шу байрам юришида Коммунистик партия ва унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети тевараткда жипслашганликларини, марксизм-ленинизм байроғига содиқ эканликларини, ўз меҳнатлари билан Ватаннинг қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини яна бир карра яққол намойиш қилдилар.

...Намойишдан сўнг Биринчи Май тантаналари парклларда, маданият саройлари ва ишчиларнинг клубларида, театрларда, тошкентликларнинг хонадонларида давом этди. Шу оқшом байрам мушкбозлиги Тошкент осмонини нурафшон қилди.

А. БАРАНОВ,
Ю. КУКАРКИН,
Ўзбекистон информация агентлигининг мухбирлари.





Суратда: пойтахт меҳнаткашларининг 1-Май намойиши.

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

БАРЧА жойларда бўлганн каби областимиз шаҳар ва районларида ҳам 1 Май байрами зўр шоду-ҳуррамлик билан ўтди. Меҳнаткашларнинг байрам намойишларида партия ва халқ бирлигн янада ёрқинроқ намоён бўлди.

АНГРЕН

В. И. ЛЕНИН номли майдоннинг бугунги файзи ўзгача. Майдон узра хилпираётган чўғдек байроқлар кўзни олади. Алвонларга Май ва Меҳнатни шарафловчи шиорлар ёзилган.

Соат 10. Фанфараларнинг қувноқ садоси меҳнаткашларнинг байрам намойиши бошланганлигидан далолат беради. Олдинда шаҳар физкультурачилари саф тортган. Улар минбар олдида турли машқларни маҳорат билан намойиш этадилар.

Физкультурачилар колоннасига мактаб ўқувчилари, ишчи ва қурувчилар колоннаси уланиб кетади. Кўкракларини орден ва медалларга тўла донгдорлар шахдам қадам ташлаб келмоқдалар.

Ангренликлар ўтган йилда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлдилар. Бу мукофот 1980 йилда уларни яна ҳам юксак марралар сари чорламоқда.

Намойишчилар кўтариб олган панно ва транспантларда доҳиймиз В. И. Ленин юбилейи шарафига ўтказилган мусобақа якунлари ўз ифодасини топган. Саноатчилар тўрт ойлик планни ортиғи билан адо этдилар. Қурувчилар байрам арафасида ўз ҳамшаҳарларига тўртта кўп квартирали турар-жой биносини совға қилдилар.

Қувноқ музика садолари авжга минади. Ҳамма шод, бахтиёр. Байрамни ёруғ юз билан кутиб олган шаҳар меҳнаткашлари эндиликда йилни муваффақиятли якунлаш учун курашмоқдалар.

ОЛМАЛИҚ

ТОҒ томондан эсаётган майин шабада баланд биноларнинг пештоқидаги қирмизи алвонларни, ол байроқларни ҳилпиратиб турибди. Намойишчилар даъваткор сўзлар ёзилган шиорларни кўтариб олишган. Улар В. И. Ленин номли кўчани тўлдириб, марказий майдон томон оҳиста одим ташлаб келмоқдалар. Қувноқ қўшиқлар, шўх музика садолари янграйди.

Олмалиқ шаҳри кончилари, металлургларн, қурувчиларн эришаётган ютуқлар кўлами йил сайин кенгайиб боряпти. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида саноатчилар планга қўшимча салкам 22 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Доҳиймиз В. И. Ленин юбилейи шарафига бошланган мусобақа шаҳар корхоналари бўйлаб кенг қулоч ёйди. 1500 га яқин ишчи юбилей арафасида ўнинчи беш йиллик топширигини бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди.

Ишчилар билан ўқувчилар бугун бир сафда бормоқдалар. Корхоналарнинг коллективлари ўзлари оталиққа олган мактаблар, ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари билан бирга намойишга чиқаканлар. Оталиқ ташкилотлари ёрдами билан мактаблар, билим юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, ишчилар синфига муносиб кадрлар тайёрланмоқда.

Намойишчилар кўтариб олган транспарантлар орасида Сифат белгиси туширилган панно ҳам кўзга ташланади. Корхоналарда ишлаб чиқаришга маҳсулотларнинг каттагина қисми ҳозирги кунда Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Сифат ва самарадорлик учун кураш шаҳар саноатчиларининг шиорига айланган.

Эрта тонгда бошланган байрам шодиёналари кун бўйи давом этди. Маданият ва истироҳат боғлари, дам олиш зоналари ишчи ва хизматчилар билан гавжум бўлди. Қизиқарли учрашувлар бўлди, ҳаваскорлар ўз санъатларини билан ҳамшаҳарлар кўнглини шод этдилар.

БЕКОБОД

КЎЧАЛАР ва ҳиёбонлар байрам либосида. Радио карнайларидан таралаётган куй ва қўшиқлар киши руҳини яна ҳам кўтаради. Ишчилар саф-саф бўлишиб Ленин номли майдон томон келмоқдалар. Олдинда физкультурачилар. «Олимпиадачилар орамизда» деган шиорни улар баланд кўтариб олганлар.

Физкультурачилар кетидан мактаб ўқувчилари келишяпти. Ёшлар бизнинг келажагимиз. Бўлажак металлурглар, энергетиклар, олимлардир булар.

Оркестрнинг шўх овози янграйди. Майдондан металлурглар ўтиб боришяпти. Улар 1 Май байрамини меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Тўрт ойлик топшириқ ортиғи билан адо этилди. Байрамолди мусобақасида «Бекободцементмонт» заводи коллективи ҳам янги зафар қучди. Ҳозир У. Умаров, Т. Гафоров, Р. Малинова каби 17 ишчи янги беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Чеварларнинг ҳам қадам олиши дадил. Корхона аҳли доҳий юбилейи арафасида беш йиллик топшириғини бажариб, Ленин фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Босмахона, ғишт заводи коллективлари ҳам минбар олдидан ўз ютуқларини кўз-кўз қилиб ўтмоқдалар.

Байрам арафасида шаҳарда яна бир қатор қурилишлар фойдаланишга топширилди. 280 ўринли иккита боғча, 320 ўринли мактаб кичкинтойларни ўз бағрига олди. Янги уйларда ишчилар байрамни кутиб олишди.

Намойишчилар қўлидаги транспарантларда юксалиш рақамлари ўз ифодасини топган. Ҳозир шаҳарда саккиз 500 ишчи ўз шахсий беш йиллик планини бажариб қўйган. 158 ишчи эса икки беш йиллик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Бу донгдорлар барчага намуна бўлмоқдалар. Ҳамма улардан ўрнак олишга интилмоқда.

ЧИРЧИҚ

ШАҲАРДА уруш ва меҳнат ветеранлари алоҳида эъзозланади. Бугун ҳам улар байрам колоннасининг олдинги сафларида келмоқдалар. Улар кўксидаги орден ва медаллар уруш ва тинч қурилиш йилларида кўрсатилган жасоратдан ҳикоя қилади.

Оталар изидан фарзандлар бормоқдалар. Мактаб ўқувчилари ва физкультурачилар колоннаси минбар олдидан ўтганда қизғин қарсаклар янграради. Улар бажарган машқлар барчага манзур бўлди.

Ёшлар колоннасига ишчилар колоннаси уланиб кетади. Намойишчилар орасида беш йиллик зарбдорлари, ишлаб чиқариш новаторлари талайгина. Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати ишчиси, Давлат мукофоти лауреати Зоя Побединская билан «Ўзбекхиммаш» заводи темирчиси Мардон Ҳамдамов ҳозирги кунда 1987 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Илғорлар ҳиссаси билан шаҳар корхоналари тўрт ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Еттита корхона Ленин фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Қурувчилар қўлидаги эскизларда бўлажак биноларнинг ўз аксини топган, Ҳозир шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Ҳадемай капролактам ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилади. Юбилейний массивида кўркам уйлар, боғча ва мактаблар қурилаяпти. Уларнинг бир қисми байрам арафасида чирчиқликларга совға қилинди.

ЯНГИЙЎЛ

«САФИМИЗДА қолоқлар бўлмасин» деган шиорни баланд кўтариб олган янгийўлликлар эрта тонгданоқ марказий майдон томон оқиб кела бошладилар. Ҳозир шаҳарда бирорта ҳам қолоқ корхона, цех, участка йўқ. Барча коллективлар ўз ваъдаларига вафо қилиб графикдан ўзиб ишламоқдалар.

Илғор ишчилар, меҳнат ветеранлари, ёшлар саф-саф бўлишиб, марказий кўчадан ўтиб бормоқдалар. Улар орасида Улуғ Ватан урушн қатнашчилари ҳам бор. Уруш қаҳрамонлари «Зарница» ўйини ғолибларн билан бир сафда ўтмоқдалар. Шаҳарда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси яхши йўлга қўйилган. Ёшлар оталар жасоратига содиқ қолиб Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлиб етишмоқдалар.

«Лаззат» бирлашмаси, мебель фабрикаси, пойафзал фабрикаси ишчилари қўлидаги транспарантларда меҳнат ютуқлари мадҳ этилган, Байрамни муносиб нишонлаган ишчилар энди беш йиллик топшириқнни ҳам барвақт бажариш учун курашга отланганлар.

1 Май шодиёналари барча жойларда кеч оқшомгача давом этди. Маданият ва истироҳат боғлари намойишчилар билан гавжум бўлиб турди. Улар яхши дам олиб ҳордиқ чиқариб янги ишларга бел боғламоқдалар.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР—ҲАЁТГА

ЯНГИ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ТУРМУШИГА СИНГДИРИШ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИИҒИЛИШИДАН

Ўлкамизда байрам шодиёналари, оммавий сайллар давом этмоқда. Ҳушманзара боғларда, тўйларда куй ва қўшиқлар янграмоқда. Аскиячилар гурунги давом этмоқда. Дорвозлар уз нозик санъатларини кенг майдонда намойиш қилмоқдалар. Қўша-қўша куёв-келинларнинг никоҳ кечалари янгича тарзда ўтмоқда.

Буларнинг ҳаммаси қадим-қадимдан бизнинг кунларимизга етиб келган халқ анъаналарининг ёрқин кўринишидир. Ана шундай илғор анъаналар ҳозирда ҳам эл-юрт тантаналарини безамоқда, уларга алоҳида бир файз ва фараҳ бахш этмоқда. Айни вақтда совет воқелиги, янгича турмуш янги-янги анъаналари, урф-одатларни юзага келтирмоқда. Улар бугунги ҳаётимиз талабларига жавоб бериши билан бирга ўзининг мазмундорлиги, оддийлиги ва гўзаллиги билан қундалик турмушда тобора кенг ёйилиб бормоқда.

Ана шундай янгича анъаналарни тарғиб қилиш, кундалик ҳаётимизга чуқурроқ сингдириш борасида областимизда ўтган йили қандай ишлар амалга оширилди? Бу соҳада олдинда қандай вазифалар турибди?

Область партия комитети ҳузуридаги янги урф-одат ва анъаналарни тарғиб қилиш ва меҳнаткашлар турмушига сингдириш бўйича область Советининг навбатдаги йиғилиши ана шу масалаларга бағишланди.

Кенгашда таъкидланганидек, кейинги вақтда областимизда граждан маросимларини ташкил этиш тобора кенгроқ расм бўлмоқда. Совет байрамларини нишонлашда яхлит бир система вужудга келган. Буларнинг ҳаммаси социалистик маданиятимиз ривожининг таркибий қисми сифатида ривожланиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда.

Жумладан, Оржоникидзе районида гражданлик маросимларини ўтказишда яхши тажриба тўпланган. Бу ерда ёш йигит-қизларнинг корхона ёки колхозга биринчи бор ишга келиши алоҳида бир маросим билан нишонланади. Шунингдек, йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш, ветеранлар ҳамда мусобақа илғорларини шарафлаш, хилма-хил меҳнат ва касб байрамларини ўтказиш борасида ҳам талай ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оржоникидзе район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Б. Дўстхўжаев ана шулар тўғрисида йиғилганларга батафсил гапириб берди. Область ва Тошкент шаҳар ЗАГС бюроларининг мудирлари Ф. А. Жаъфарова ва С. М. Иброҳимова комсомол тўйлари, совет паспортларини гражданларга топшириш, янги туғилганларни рўйхатга олиш каби маросимлар қандай ташкил этилаётганлиги тўғрисидаги тажриба билан ўртоқлашдилар.

Чиндан ҳам, областимизда меҳнаткашлар турмушига янги-урф-одат маросимларини жорий этиш соҳасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Аммо Совет ранси, профессор А. П. Қаюмов ўз сўзида таъкидлаганидек, ана шу анъаналарни турмушга сингдиришда баъзан ижодийлик етишмайди, янги хил анъаналарни тадбиқ этишда расмиятчиликдан, насиҳатгўйликдан, ортиқча тантанаворликдан воз кечишнинг пайти келди. Ҳар қандай анъаналар замонамиз кишиларининг илғор интилишларига, орзу-умидларига тўла жавоб бергандагина чинакам тарбиявий кучга айланади. Янги анъаналарни тадбиқ этишда жойлардаги партия, комсомол ва совет ташкилотларининг, маҳалла комитетларининг, кенг жамоатчиликнинг тажрибасини чуқур ўрганиб, умумлаштириш даркор.

Совет йиғилишида ана шу соҳадаги муҳим вазифаларни амалга ошириш борасида конкрет йўл-йўриқлар берилди. 1980 йил учун тузилган план бўйича қилинган ишлар ҳам муҳокамадан ўтказилди. Советнинг навбатдаги йиғилишлари учун масалалар белгилаб олинди. Амалга оширкладиган тадбирлар ишлаб чиқилди.

КОЛХОЗНИНГ СУТ ФАБРИКАСИ

1 Май арафасида Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози чорвадорлари оталиқ ташкилот — «Главташкентстрой» қурувчиларидан ажойиб байрам туҳфаси олдилар. Пойтахт бинокорлари хўжаликда 800 бош сигирга мўлжалланган чорвачилик комплексини фойдаланишга топширишди.

Комплекс 25 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда ҳар бири 400 бош сигирга мўлжалланган иккита молхона, 100 бош сигир учун туғруқхона, 240 бош бузоқ учун алоҳида бино, чорва моллари яйратиладиган майдончалар, ветеринария пункти қурилди. Комплексда 6 минг тонна силос бостиришга мўлжалланган 4 та чуқур ҳам барпо этилган. Силос сифатли сақланиши учун бу чуқурлар бетонлаштирилган.

Колхоз бош зоотехниги Абдунаби Тўлаганов сигирхоналарни кўрсатди. Кенг ва ёруғ бинода ҳар бир сигир учун алоҳида жой бор. Замонавий механизмлар сигирларни суғориш, ем-хашак тарқатиш, молхонани тозалаш ва бошқа ишларни ўз зиммасига олади. Говмушлардан аппаратда соғиб олинган сут трубопроводлар орқали тўғри сут блокига бориб тушади.

— Чорвачилик колхозимизнинг асосий тармоғи, — дейди бош зоотехник. — Биз партия ва ҳукуматимиз қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, бу тармоқни жадал ривожлантиряпмиз, айниқса, сут етиштиришни кўпайтириб бораётирмиз. Жумладан, ўтган йили ҳар бир сигирдан ўртача 4730 килограммдан сут соғиб олиниб, 2166 тонна маҳсулот етиштирилди. Давлатга 1772 тонна, планда белгиланганидан 372 тонна кўп сут сотилди.


Эски сут-товар фермамиз ҳозирги давр талабига жавоб берарли даражада эмас эди. Шунинг учун ўнинчи беш йиллик бошида чорвачилик комплекси қурилишига бошладик. Бош пудратчи — «Главташкентстрой» 12-қурилиш трести қоллективи ва бошқа ёрдамчи ташкилотлар комплексни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солишди. Комплекс қурилишида 2,5 миллион сўмликка яқин иш бажарилди. Чорвачилик комплексининг фойдаланишга топширилиши хўжалигимизда сут етиштиришни саноат асосига ўтказиш, мўл, арзон ва сифатли маҳсулот етиштириш имконини беради.

29 апрелда хўжаликда комплексни фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов очди. 12-қурилиш трести механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи Р. Умаров бу комплексининг барпо этилиши «Ўроқ ва Болға» иттифоқи самарасининг яна бир тимсоли эканлигини таъкидлади. Йиғилишда сўзга чиққан колхоз ранси Т. Мирзаев, доктор сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати М. Исоқовалар комплексни барпо этишда яқиндан ёрдам берган партия ва совет ташкилотларига, қурувчиларга катта миннатдорчилик изҳор этишиб, республика пойтахти аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш учун барча чораларни кўришларини айтдилар.

Йиғилишда халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг ранси Т. А. Алимов, область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири О. З. Зуфаров ҳамда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар ижроия комитетининг ранси В. О. Козимов ўртоқлар иштирок этдилар.

Хўжалик чорвадорлари янги комплексда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар бир сигирдан 4900 килограммдан сут сотиб олиш ва 2500 тонна маҳсулот етиштиришга сўз беришди. Давлатга 2200 тонна, ўтган йилдагига нисбатан 20 процент кўп сут сотиладн. Шунингдек, чорвадорлар сигирлар бош сонини кескин кўпайтириш тадбирларини ҳам белгилашган. Шу йилнинг ўзида уларнинг сони 100 тага кўпайтирилиб, 600 тага етказиладн. Яқин йилларда эса комплексда 800 бош сигир парвариш қилиниб, бу ерда 4 минг тоннага яқин сут етиштириладиган бўлади.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
Э. ЭРНАЗАРОВ.



Суратда: комплекснинг умумий кўриниши.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ИХТИРОЧИЛАРИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРИГА МУКОФОТ

1 МАЙ арафасида СССР Министрлар Советининг ихтиролар ва рашфиётлар бўйича Давлат комитети ва Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Марказий Совети Президиумининг қарори билан республика, ўлка ва областларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича Тошкент области ихтирочи ва рационализаторлар коллективига иккинчи ўрин берилди. Область ихтирочи ва рационализаторлари 1979 йилда энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун шундай фахрли ўринга сазовор бўлдилар.



«ҚОЗОҚФИЛЬМ»:

«ҚУРИҚ»

«Қозоқфильм» киностудияси ходимлари Тошкент кинофестивалига юборгаётган фильмларининг бири «Қўриқ» деб номланади. У Леонид Ильич Брежневнинг шу номли асари асосида суратга олинган. Картинада Совет халқининг бутун қудратини ленинча аграр сиёсатни амалга оширишга сафарбар этган Коммунистик партиянинг зийраклиги, доноligи ҳар тарафлама асосланган. Томошабин кўз ўнгида асрлар давомида қақраб ётган қўриқ ерни ўзлаштиришга бел боғлаган ажойиб одамлар образи гавдаланади. Асар сценарийсини А. Нуғмонов билан В. Ларин ҳамкорликда ёзишган.

●

«БОЙҚОНУРДАН ИККОВЛОН»

Бу ҳужжатли фильм ҳам «Қозоқфильм» киностудиясида суратга олинган. Асар қаҳрамони Баубек Булитёв ва Сериқбой Асатовлар Бойқонур атрофидаги овулларнинг бирида туғилиб, вояга етишган. Икки қозоқ йигитининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мардликлари конкрет ҳужжатлар асосида ёритилади. Улар ўз ватанларини босқинчилардан ҳимоя этишда қаҳрамонона ҳалок бўлганлар.

Картина сценарийси С. Асқаров қаламига мансуб-дир.

●

«ДАШТДАГИ ҚУВҒИН»

20-йиллар. Бепбён қозоқ дашти. Бу ерда ҳукм сурган сокинликда қандайдир таҳлика, бесарамжонлик сезилиб туради. Ҳақиқатан ҳам чўлда атаман Кудра тўдаси изғиб юрарди.

Қизил командир Ҳамид махсус топшириқ билан чўлга келади. У жиддий, мулоҳазали, садоқатли жангчи, Рақиби Кудра эса айёр ва аламзада. Фильм давомида биз бу икки шахс ўртасидаги тўқнашувнинг гувоҳи бўламиз. Бу фақат икки ҳарбий тўқнашув эмас, айни пайтда икки дунё тўқнашуви эди. Картина сценарийсини Анатолий Степанов ёзган. Асарни «Қозоқфильм» киностудиясининг ижодий коллективи суратга олган.

●

«КИРҒИЗФИЛЬМ»:

«СУД ЖАРАЁНИ»

Бадиий фильмда юристларнинг сермашаққат, аммо шарафли ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ёш адвокат Аскар ўз ҳимоясидаги одамнинг бегуноҳлигини исботлаш учун кўп меҳнат сарфлайди. Бу билан у ҳақиқий жиноятчини қўлга туширш ишига салмоқли ҳисса қўшади.

Фильмдаги асосий ролларни А. Камчибеков, У. Нигёзбердиева, Т. Темиркулов, Г. Ажибекова каби актёрлар ижро этишган. Асар режиссёр Ж. Соданбек раҳбарлигида суратга олинган. Мазкур бадиий фильм «Қирғиз фильм» киностудиясида яратилган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.




Музей залларида

Шу кунларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг М. Т. Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейига бағишланган кўргазма ташкил этилмоқда. Уни ташкил этишдан асосий мақсад Ибн Синонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан кишиларни янада яқинроқ таништиришдан, олим яратган илмий асарларнинг ҳозирги даврда тутган ўрнини тўлароқ очишдан иборатдир.

Кўргазмада намойиш этиш учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган олимнинг қўлёзмаларидан фотонусхалар келтирилди. Бундан ташқари республикамизнинг айрим саноат корхоналарининг юбилейга бағишлаб ишлаган маҳсулотлари ҳам кўргазмага қўйилади. Тошкент чинни заводи идишлари, «Учқун» тўқимачилик-галантерея фабрикасида тайёрланган рўмоллар, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида ишланган маҳсулотлар шулар жумласидандир. Буларга ибн Синонинг сурати туширилган ва айрим ўгитлари ёзилган. Шунингдек, таниқли керамикачи Р. Орифжонов юбилейга бағишлаб тайёрлаган чинни вазалар ҳамда лаганлардан айримлари ҳам кўргазмада намойиш этилади.

Шунингдек, музейда буюк ғалабанинг 35 йиллиги олдидан ҳам янги экспозиция ташкил этиляпти. Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлари республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларни ҳамда ёшларни фронтга жўнатишга бағишланган маросимларни акс эттирувчи фотосуратлар кўргазмадан ўрин олади. Бундан ташқари экспозиция янги экспонатлар билан ҳам бойийди. Жумладан, бу ерга фашистларнинг ўлим лагери — Бухенвальддан келтирилган тошлар ва бу лагерь ҳақида маълумот берувчи буклетлар қўйилади. Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари — уч марта Шуҳрат ордени кавалери Р. Овемўротов, ефрейтор Б. Мухаррамов ва бошқаларнинг фотосуратлари ҳамда уруш йиллари кўрсатган жасоратларини акс эттирувчи ҳужжатлари ҳам кўргазмадан ўрин олади.

Қ. КАРИМОВ.



Қимматхон Мирзараҳимова ва Фотима Комоловалар Тошкент давлат консерваторриясида таҳсил кўришяпти. Улар классик ва замонавий музика сирларини сабот билан ўрганишмоқда. Суратда: бўлажак санъаткорлар машғулот пайтида.

Ж. Тўраев фотоси.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига ва совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 35 йиллигига бағишланади

8 МАЙ СОАТ 17.00 да
ТЎЙТЕПА СТАДИОНИДА
9 МАЙ СОАТ 17.00 да
ОҚҚЎРҒОН СТАДИОНИДА
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ

САНЪАТ БАЙРАМИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурсининг дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

СССР халқ артисти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати
ТАМАРАХОНИМ

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати
Отажон ҲУДОЙШУКУРОВ

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Коммуна ИСМОИЛОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Гулсара ЁҚУБОВА.

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОН ОВ, опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУЮНБОЕВАЛАР, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Мавжуда БАҲРИЕВА, Клара ХУЖАЕВА, Асқарали ХИДИРОВ, Валентина ПАШКОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — Нажот ТУРАҲУЖАЕВ.
Сценарий муаллифи — Султон ҚУҚОНБЕКОВ.
Режиссёр — Ҳабибулла АППАНОВ.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙ СОАТ 16.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ҲОЛИСХОН ҚОДИРОВА.

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
Карима УЗОҚОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Комилжон ИБРОҲИМОВ, Тавакал ТУРСУНОВА, Ноднра АҲМЕДОВА, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Феруза СОЛИҲОВА, Анвар РУСТАМОВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ (юмор, сатира ва интермедия), Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.
Программани — Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради.
Музика раҳбари — Ҳамидулла ИСМОНОВ.
Билетлар концерт зали нассасида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи-контролер-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди: баққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўштбалиқ ва сут маҳсулотлари бўйича, шунингдек, газлама, пойабзал, трикотаж, атторлик, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик молларининг сотувчи ва сотувчи-контролёр-кассирларни тайёрлайди.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.
ЎҚИШ МУДДАТИ—1 ЙИЛ.
Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртига Ўзбекистон ССР шаҳарларида яшайдиган, 15—23 ёшли (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача) 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Билим юртини тугатганлар «Кичик сотувчи», «Сотувчи», «Сотувчи-контролёр-кассир» бўладилар.
Ўқувчиларга 32 ва 41 сўмдан стипендия берилади.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: ГУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «Универсам»ларда ўтказилади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртига киручилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286 формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари Совети ижроия комитети Саидо бошқармасидан ёки халқ депутатлари Совети шаҳар ижроия комитети саёдо бўлимидан йўлланма.
Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, А. Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй. Телефон: 78-44-30. (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпонота», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АҚШ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 30 апрель. (ТАСС). Америка коммунистлари АҚШ маъмуриятининг Эронга қарши амалга ошираётган ҳарбий авантюрасини «бемаъни ва хатарли игвогарлик» деб атадилар. АҚШ Компартияси Марказий Комитети тарқатган баёнотда бундай дейилади: бу ўйламасдан сурбетларча қилинган ҳуруж президент Картер ўзининг урушқоқ маслаҳатчилари ва Пентагон билан биргаликда гаровга олинган кишилар ҳаётини ҳам, жаҳон халқлари ҳаётини ҳам бир пулга олмаётганликларини кўрсатади. Ҳақиқатда улар яна Эрон нефтини «Экссон» ва «Шелл ойл» монополиялари манфаатлари йўлида ўз назорати остига олиши мақсадида Эрон ҳукматига путур етказиш ва уни агдаришга уринмоқдалар.

Картер чет эл территорияларида уруш олиб бориш соҳасида президент ваколатларини чеклаш тўғрисидаги Америка қонунини ҳам, шунингдек халқаро ҳуқуқни ҳам жиноаткорона бузди, деб таъкидлашди коммунистлар. Картер ва Бжезинский бошчилигида ҳарбий-саноат комплекси музокаралар ўрнига амалга ошираётган қурол-яроғни кўпайтириш ва куч ишлатиш сиёсатининг мантиқий оқибати ана шундай бўлди.

Айни вақтда, деб уқтирилади баёнотда, бундай игвогарона ҳужумга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди. Қўшма Штатлар 27 йил мобайнида Марказий разведка бошқармаси ёрдамида Эронга ва унинг халқига қарши кўпорувчилик фаолияти билан шуғулланганлигини эътироф этганида ва бу фаолиятни тўхтатиш мажбуриятини олганида Америка — Эрон муносабатларидаги муаммо ҳал этилган бўлур эди.

Ҳужжатда айтиладики, Америка халқи Картернинг истеъфо беришини тобора кўпроқ талаб қилиб чиқмоқда. «Биз АҚШ халқи билан конгресс конфронтация ва агрессия сиёсати учун Картерни истеъфо беришга мажбур этиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани жиддий кўриб чиқиши керак, деб ҳисоблаймиз».

Бундай буён қуролли игвогарликларга йўл қўйилмаслиги лозим. Биз қуролсизланиш, тинчлик ва музокаралар йўлидан боришимиз зарур.

Ж. КАРТЕРНИНГ ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН, 1 май. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Картер сенатор Эдмунд Маскини АҚШ давлат секретари лавозимига тайинлашга қарор қилди. Оқ уйда ўтказилган матбуот конференцияда шу ҳақда хабар берилди. Э. Маски Оқ уйнинг Эронга нисбатан агрессив ҳаракатидан норози бўлгандиги учун истеъфо берган С. Вэнс ўрнига тайинланди. Э. Маски номзодини сенат тасдиқлаши керак.

Эдмунд Сикстус Маски 1955—59 йилларда Мэн штатининг губернатори бўлган. 1959 йилдан бошлаб у шу штатдан сенат аъзосидир. Э. Маски сенат бюджет комиссиясининг раиси ва сенат ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси.

1968 йилги сайловда демократик партиядан АҚШ вице-президенти лавозимига номзод қилиб овозга қўйилган.

1972 йилги сайлов кампанияси вақтида шу партиядан АҚШ президентлигига ўз номзодини кўрсатган эди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ДЕҲЛИ. Ҳарбий ҳаракатлар кўпайиб кетганлиги муносабати билан Покистон экономикаси оғир кризисни бошдан кечирмоқда. Ҳиндистоннинг «Патриот» газетаси хабар қилишича, ана шу мамлакатнинг ташқи қарзи 8 миллиард 163 миллион долларга етган. Сўнгги олти йил мобайнида солиқлар 250 процент ошган. Энг зарур маҳсулотлар нархи тўхтовсиз қимматлашиб бормоқда. Покистон экономистларининг олдиндан айтиб беришича, бу йил нархлар 20 процент ошади.

САН-ХОСЕ. Бу ерда олинган маълумотларга кўра, Сальвадор ўқитувчиларидан 20 минг киши забастовка эълон қилган. Мамлакат пойтахтида бир қанча компанияларнинг ишчилари ва хизматчилари стачка бошлаганликлари натижасида ичимлик сув ва электр энергияси қаҳат. Забастовкачилар реакциянинг бебошликлари кучайиб бораётганлигига қарши курашмоқдалар. Реакцион ҳарбийлар ва ашаддий ўнг террорчилар ишчилар, деҳқонлар ва студентларнинг раҳбарларига қарши куч ишлатмоқдалар. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 1200 киши репрессияларнинг қурбони бўлди.

ЛУАНДА. Жанубий Африка республикасининг ирқчи маъмурлари яна бир бебошлик қилдилар. Бу ерда олинган маълумотларга кўра, Иоганнесбургга яқин жойлашган жуда катта Соуэто шаҳрида полиция «Пост» газетасининг қора танли журналисти Кингдом Лолванени ҳеч қандай айбсиз қамоққа олган. Бу шаҳар аҳолиси асосан африкаликлар камбағаллардан иборат. Лолване 1976—77 йилларда қамоққа ўтириб чиққан эди. Шунда ҳам унга ҳеч қандай айб қўйилмаган эди. Бошқа икки африкалик журналист Вилли Бокала («Пост») ва Вилли Нкоси («Стар») апартеид сиёсатига қарши кўзга кўринган курашчи, ўтган йили Претория қатл этилган Соломон Маҳлангу қабрига тош ўрнатиш маросимида қамоққа олинган эдилар. Ирқчилар полицияси қамоққа олинган кишиларни «жамоат тартибини бузганликда» айблаган.

(ТАСС, 30 апрель).



Спорт

ТЕРМА КОМАНДА ҒАЛАБАСИ

Москва олимпиадасига тайёргарлик кўраётган совет футболчилари Швеция терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Стокгольмда бўлган ўйинда совет футболчилари 5:1 ҳисобида устун келишди. 7-минутда Андреев ҳисобини очган бўлса, орадан 10 минут ўтгач Гаврилов иккинчи тўпни киритди. 24 минутда Нурдгрен орадаги фарқни қисқартиргач, бир минут ўтар-ўтмас Андреев командимизни яна олдинга олиб чиқди. Сўнгра Челебадзе ва Федоренколар Швеция командаси дарвозасига иккита тўп киритиб, ҳисобни 5:1 га етказдилар.

Киевда эса СССР ёшлар терма командаси швецияликтенгдошлари билан учрашдилар. Бунда ҳам совет футболчилари ғолиб келишди. Ҳисоб 2:1.

ЮТУҚ ВА МАҒЛУБИЯТ

Мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Университет» хоккейчилари Шаулёйнинг «Таурас» командаси билан бўлган икки учрашувда очколарни бўлишиб олдилар. Биринчи ўйинда майдон эгалари 1:0 ҳисобида ғолиб келган бўлсалар, такрор матчда меҳмонлар 2:0 ҳисобида устун келишди.

ТОШКЕНТЛИК ЧЕМПИОНЛАР

Гулистонда миллий кураш бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Турли кўнгилли спорт жамиятларининг полвонлари иштирок этган бу биринчилик мухлисларда катта таассурот қолдирди. Кўплаб қобилиятли ёшлар юксак техник маҳоратларини намойиш этишди. Чемпионлик унвонига муяссар бўлганларнинг кўпчилиги тошкентликлардир.

Рустам Икромов, Камолиддин Турсунов, Акмал Азимов, Мурод Қамбаров, Муҳаммаджон Мамажонов ҳамда Абдумалик Жумаевлар 1980 йилги республика чемпиони бўлишди. Команда ҳисобида 47 очко тўпланган Тошкент шаҳар полвонлари бош совринни қўлга киритдилар. Фарғоналиклар иккинчи, наманганликлар учинчи ўринни эгаллашди. Тошкент области полвонлари тўртинчи ўринда қолдилар.

МАЙ ОЙИ МУСОБАҚАЛАРИ

Май ойи спорт календаридан Ўзбекистон XIX ўқувчилар спартакиадаси мусобақалари катта ўрин олди. Боксчилар Ургенчда, классик курашчилар Наманганда, сув полоси бўйича мусобақалар Фарғонада, дзю-дочилар Андижонда беллашишади. Чавандозлик, енгил атлетика, сувга сакраш, мерганлик, теннис, қиличбозлик мусобақалари Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида ўтади.

Май ойи мусобақалари Олимпиадага кўрилаётган тараддуднинг яна бир босқичига якун ясайди. Мамлакат терма командалари сафида жаҳон спортчиларининг улкан анжуманига тайёргарлик кўраётган республикамиз вакиллари халқаро ва Бутуниттифоқ турнирларида иштирок этишади, ўқув-тайёргарлик машғулотларида қатнашадилар.

Май ойида спортнинг қатор турлари бўйича мамлакат чемпионатлари ҳам бўлиб ўтади. Жумладан футболчиларимиз ва ватерполочиларимиз, волейболчиларимиз календарь ўйинларини ўтказадилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

«ҲИЛОЛА»— ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

Ўзбекистон Давлат ҳунар-техника таълими комитетининг «Ҳилола» ашула ва рақс ансамбли кўп йиллардан бери санъат ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлиб келаётир. Ансамбль ўзининг ранго-ранг программаси билан ишчилар ва деҳқонлар ҳузурида бўлиб, дилрабо куй ва қўшиклар билан барчани ҳушнуд этмоқда. Бўлажак дурадгор ва тикувчи, тўқувчи ва пойафзалчи бу ерда катта иштиёқ билан санъат сирларидан баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда ансамбль ҳаётида кувончли воқеа рўй берди. Ижодкор коллектив Москвада ўтказиладиган XXII Олимпиадада қатнашиш ҳуқукини қўлга киритди. Биз улкан анжуманга катта кувонч ва иштиёқ билан тайёрланаётган «Ҳилола» ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари билан суҳбатда бўлдик:

Исмонжон ИСРОИЛОВ, ансамблнинг бадиий раҳбари:

— Коллективимиз ташкил топганига чорак асрдан ошди. Ҳозирда ва созандаларимизнинг барчаси санъатга ихлос қўйган ёшлардир. Улар билан бирга санъат сўқмоқларида жиддий изланганлигимиз туфайли спортимиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қоладиган Москва Олимпиада мехмоналарига маданий хизмат кўрсатиш шарафига муяссар бўлдик.

Бу санъатсевар ёшларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам ўз маҳоратимизни ошириш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бормоқдамиз. Бизнинг концерт программамизни ватандошларимиз билан бирга чет эллардан келган мехмонлар ҳам томоша қиладилар. Дарвоқе, ўз вақтида бизнинг санъатимиздан чет эллик тенгдошларимиз баҳраманд бўлганлар. 1977 йилда Польша Халқ Республикасида, бир йил кейин эса Германия Федератив Республикасидаги чиқишларимиз жуда юқори баҳоланди.

Тўлқин ҚОСИМОВ, ансамбль балетмейстери:

— Ҳозир биз Олимпиада программасига кирган рақсларга сўнгги сайқалларни бераяпмиз. Ансамблимизнинг хушовоз хонандалари Салоҳиддин Тўхтасинов билан Олимжон Орифжоновларнинг дилрабо қўшиқларига якка рақслар тайёрладик. Рақсларни Фарида Азизова ижро этади. Москва Олимпиадасига борадиган ёшларимизнинг севимли касблари ҳам рақсларда ўз ифодасини топади. «Механизаторлар», «Тўқувчи қизлар», «Тикувчи қизлар» рақслари шулар жумласидандир. Концертимизнинг финал қисми ҳам ранг-баранг.

Сайёра АИСАЕВА, раққоса.

— Мен 1975 йилдан бери «Ҳилола» ансамблида иштирок этаман. Ўшанда 5-ҳунар-техника билим юртининг талабаси эдим. Ўқишни тугатиб, 2-тикувчилик фабрикасида ишлай бошлаганимда ҳам санъат мен учун ардоқли бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам коллективдан кетгим келмади.

Рақсни жуда севаман. Мақсадим халқимизга оз бўлсада эстетик завқ бағишлашдир. Шунинг учун ҳам репертуаримни кенгайтириб, уни совет халқларининг миллий рақслари билан бойитдим. Москва Олимпиадасида ўзимнинг энг севимли рақсларимни ижро этиш орзусидаман.

...Мана шундай илиқ фикрларни ансамблнинг ҳар бир аъзосидан эшитиш мумкин. Биз ҳам «Ҳилола» ансамблига катта анжуманда ўзбек миллий санъатини намойиш қилишдек шарафли вазифани эпдаси билан ado этишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

А. НОСИРОВА.

Телевидение

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.20 — Гимнастика. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.35 — Қувноқ нотачалар. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.35 — Концерт. 13.20 — Москванинг чет эллик мехмонлари. 13.35 — Спектакль. 15.35 — Фан оламида. 16.05 — Электрониканинг саргузашти. Бадиий фильм. 1-серия. 17.20 — Ҳайвонот оламида. 18.20 — Цирк майдонида. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Солдат отаси. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Мусиқали фильм. 23.15 — Альплардаги қорли фантазия. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театри. 11.10 — Ўзбекистон артистлари иж росида Шарқ халқларининг қўшиқлари. 11.40 — Мультипанорама. 12.15 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 13.15 — Ажойиб хаёлпараст. Бадиий фильм. 18.05 — Фильм-концерт. 18.50 — Май қувончлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.05 — Мунажат Йўлчиева куйлайди. 22.55 — Фильмлар.

II

20.05 — Халифа-Лайлак. 21.10 Фильм-концерт. 22.05 — Соҳилга рухсат. Бадиий фильм.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01962. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1597.